ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК: 811.512.133.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕКТИЛЛАРИДА СЛЕНГ-ЛЕКСЕМА ВА УНИНГ СЕМИК ТАҲЛИЛИ

Д.Н.Сатимова

Сўнгги ўн йил ичида қатор ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, хусусан, чет тилларини ўрганиш кескин равишда оммалашиб бориши натижасида ёшларнинг сўзлашув нутқида ўзига хос прагматик тенденциялар кузатилиб, бир қаторсўз ва ибораларни тадқиқ этишга зарурат туғилмоқда. Мақолада ушбу масала доирасида тилшуносларнинг қарашлари ўрганилиб, инглиз ва ўзбек тилларидаги сленг-лексема ва унинг семик таҳлили ёритилган. Шунингдек, ёшлар сленг-лексемасининг тиллардаги ўзига хос хусусиятлари мисоллар орқали очиб берилган.

Калит сўзлар: *сленг, сленг-лексема, прагматик ёндашув, идиолект, семик таҳлил, сленг-полисемия, социолект, лексик-семантик майдон.*

В результате ряда социально-экономических изменений за последние годы, в частности, резкого роста изучения иностранных языков, в разговорнойречи молодых людей наблюдаются своеобразные прагматическиетенденции, что порождает необходимость в изучениряда слов и словосочетаний.В статье описываются взгляды лингвистов по этому вопросу, и раскрывается сущность понятия «сленг-лексема» и её семантическиеособенности в узбекском и английском языках. Проанализированы особенности молодежнего сленга на соответствующих примерах.

Ключевые слова: *сленг, сленг-лексема, прагматический подход, идиолект, семантический анализ, сленг-полисемия, социолект, лексико-семантическое поле.*

Жаҳонда ҳукм сураётган ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий ва лингвистик ўзгаришлар сабабли тилнинг адабий ва ноадабий қатламида ҳам кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Замонавий тилшуносликка ўзгача ёндашувлар тилга бўлган қизиқиш ва изланишни тобора ўзига жалб этмоқда. Жумладан, прагматик ёндашув Европа замонавий тилшунослигида XX асрнинг 50-йилларидан сўнг ривожланиши кенг тус олди. Шу билан чамбарчас боғлиқ ҳолда у ўз таъсирини ўзбек ва инглиз тилшунослигида ҳам сезиларли даражада намоён қилмоқда. Ҳар бир индивидуум, ўзининг идиолектида [1. Б. 187] адабий сўзларни, умумистеъмолдаги сўзларни, оддий сўзлашув нутқи унсурларини ва ҳоказоларни ишлатиб, онгли равишда коммуникацияга киради. Тилдаги барча сўзларни ўз маъноси билан тушуниб етиш ва уларни ўринли ишлата олиш муҳимдир. Ҳозирда коммуникацион келишув натижасида нутқдаги ихтиёрий ва беихтиёр трансформация асосан ёшлар нутқида кузатилмоқда, бу эса ўз таъсирини жамиятнинг бошқа ёш вакиллари нутқида акс эттирмоқда, шу йўсинда ёшларнинг мустақил фикрлаши, тилга прагматик ёндашуви ва сўзлашувида турли хил сленгларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга ўзбек тили билан бир қаторда инглиз тилига бўлган қизиқиш ўзбек ёшлари орасида тобора ўсиб бормоқда. Чет тилини ўрганиш мобайнида соф инглиз тили фойдаланувчилари билан бевосита мулоқотга кириша олишда, оддий сўзлашув нутқида ишлатилган сленгларнинг маъносини англаб олишда ёшлар сленгининг пухта ўрганилиши ва нутқда қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, сленгни инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий-чоғиштирма аснода тадқиқ этиш зарурати келиб чиқмоқда.

Маълумки, сленг аксарият инглиз халқи мулоқотида осон тушунилади ва шунчаки одатий тилдан фарқли равишда қабул қилинади [2. Б. 104]. Ижтимоий сўзлашув қатламида контекстни ранг-баранг қилиш, баъзан юмористик кайфиятни улашиш учун гапни қисқа ва лўнда қилиш, замонавий ва оригинал кўрсатиш, суҳбатдошга тилда сўзамолликни намойиш этишда фойдаланадиган сленглар асосан ёшлар томонидан яратилиб, инглиз ва ўзбек тилларида фаол сўз қатламига кириб бормоқда. Лексикограф Г.У.Фаулер таъбирича: «Сленг нарса ва ҳаракатларни қайта номловчи жонли сўз ўйини бўлиб, одатда мулоқотда ёшлар орасидаги севимли ўйин натижасида келиб чиқувчи сўзлар танловидир. Шунингдек, баъзилар янги сўз кашф қилиш мақсадида ёки янгиликдан завқланиш учун эскирган сўзлардан воз кечиб, замонавий бўлиш учун сленгни ишлатадилар» [3. Б. 308].

«Сленг» деганимизда, беихтиёр унинг ёндошлари арго ва жаргон фикримизга келади. Чунки социолектнинг фаол ишлатилувчи сўзлари – атамалари арго [француз. argot], жаргон [француз. jargon] ва сленг [англ. slang] ҳисобланади

[3. Б. 78]. Европа ва Америка тилшунослигида сленг, арго, жаргон атамалари жуда кенг тарқалган бўлиб, аксарият тилларда улар деярли бир хил маънода талқин қилинади. Учала термин ўзаро генетик жиҳатдан боғланса-да, замонавий тилшуносликда уларнинг бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятлари мавжуд. Гарчи айрим луғатлар арго ва жаргонни слангнинг синоними сифатида кўрсатса-да [4], айни пайтда сленг ўзининг якка тартибдаги изоҳи билан ҳам таърифланган: «Сленг – ўта расмий ҳолатларга монанд бўлмаган, ўзига хос норасмий сўз ва иборалардир» [11. P. 1401]). Ўзбек тилшунослигида жаргоннинг таърифи қуйидагича берилган: «Касби, жамиятдаги ўрни, қизиқиши, ёшига кўра алоҳида социал гуруҳни ташкил этган кишиларнинг, асосан, оғзаки нутқида ишлатиладиган ва маъносини бошқалар кўп ҳолларда англаб етавермайдиган бирликлар жаргон дейилади. Масалан, программистлар жаргони, талабалар жаргони, маҳбуслар жаргони, ўғрилар жаргони, артистлар жаргони ва ҳ.» [5. Б. 125]. Арго айрим профессионал гуруҳ ёки социум ва унинг вакиллари бўлмиш айрим социусларнинг ўзига хос нутқида коммуникация предметини сир тутиш мақсадида қўлланилади: мандарин – тилла, лебедь – героин, крокодил – қайчи ва ҳ. [6. Б. 125].

Рус тилшуноси В.А.Хомяков сўзлашув тилида слангларни «қуйи» коллоквиализмлардан кейинги ўринни эгаллаб турувчи, аммо «вульгаризмлар»-дан олдинги қатламни ташкил этувчи элементлар сифатида қайд этади [7. Б. 77]. Зеро, вульгаризм (лотинча vulgarus – «қўпол») деганда қўпол, уятли, ҳақорат лексема ва фраземалар назарда тутилади [8. Б. 150]. 1756 йилда Катта Оксфорд луғатида биринчи марта қайд этилиши бўйича сленг (*slang)* «паст ва қўпол тил»; 1802 йилда эса «профессионал жаргон»; 1818 йилга келиб, оғзаки нутқда «неологизм ва махсус маънони англатувчи сўзлар» сифатида ишлатилган [9. Б. 45]. Демак, сленг атамаси XVII асрда «ҳақорат қилиш, сўкиш» каби маъноларни англатса-да, XIX асрга келиб, Э.Х.Партридж таъбирига кўра, сленг «содда сўзлашув» қатламида қўлланилувчи ўзига хос сўз ва ибораларни билдиради [10. Б. 18]. Сленг инглиз социолекти таркибидаги фаол ишлатилувчи термин бўлгани сабаб инглиз тилида слангни «slanguage», «slangy speech», «teen slanguage» (сленг тили, ёшлар тили) деб ҳам юритилади.

Сленг ҳодисаси чексиз ва ранг-баранг бўлгани туфайли унинг структур кўринишлари ҳам хилма-хил. Назарий ёндашувда лексик сатҳ бирлиги тилшуносликда лексема атамаси билан номланади. Лексема тилшуносликнинг энг муҳим ва марказий тушунчаларидан бири бўлса ҳам, унинг мазмуни ва чегараси ҳозирча аниқ белгиланган, деб бўлмайди [6. Б. 85]. Лисоннинг борлиқ ҳодисаларини номлаш, ифодалаш, кўрсатиш учун хизмат қилувчи бирлиги – лексемадир [6. Б. 38].

Сленглар структурасига кўра лексик, синтактик ва фразеологик слангларга бўлинади. Биз мазкур мақолада слангнинг лексик тури таҳлилини беришга ҳаракат қиламиз. Лексема яхлитлигича сленг бўла олади, шу боис уни сленг-лексема деб номлаш мумкин. Қуйида инглиз тилидаги сленг-лексеманинг бир қатор мисолларини тақдим этамиз: chuffed (pleased or delighted) – мамнун / хурсанд бўлмоқ, fancy (like/crush on) – кучли ёқтирмоқ, sorted (arranged) – тартибга солмоқ, kip (sleep/nap) – мизғиб олмоқ, posh (fancy) – дабдабали, ҳашаматли, whinge (whine) – ҳиқилламоқ, tad (little bit) – бир оз, tenner (£ 10) – ўн фунт, shambles (mess) – тартибсизлик, knackered (tired) – ҳолдан тоймоқ, chap (male or friend) – дўст, жўра, nosh (food) – таом, овқат, ace (wonderful) – ажойиб, chill (cool) – совуқ, jacked (stolen (steal)) – ўғирланган, buddy (friend) – дўст, жўра.

Лексик маъно идеал ҳодиса деб талқин қилинади. Ҳозирги тилшуносликда бу идеал ҳодисани моддийлаштириш йўллари топилаётир. Шундай йўллардан бири – лексик маънони семантик қисмларга ажратиб ўрганиш бўлиб, қисмлаб таҳлил (семик таҳлил) усули деб юритилади. Шу усул билан таҳлил қилинадиган ҳодиса сема (юнонча sema –«белги») дейилади [8. Б. 66]. Биз ҳам қуйида сленг-лексемаларни компонент таҳлил қилишни лозим деб топдик.

Инглиз тилида ace сленг-лексема от, сифат, феъл сўз туркумлари ва ундов сўз сифатида қўлланилади. Шунинг билан бирга у энг фаол сленг ҳисобланади.

«Macmillan English Dictionary»нинг энг сўнгги нашрида кўрсатилишича, *ace* сўзи қуйидаги маъно тусларига эга:

Noun [C]:1. in card games, a card with only one symbol and either the highest or lowest value in a SUIT: the ace of hearts; 2.in tennis, a very fast serve (the first hit of the ball) that your opponent cannot reach with their RACKET [11. Б. 12].

Инглиз тилида сленг сифатида қўлланган *ace* сленг-лексема махсус инглиз сленг луғатларида қуйидагича берилади:

1.(noun) a best friend or good person. Used by males to other males, usually as greeting or a term of endearment: *Hey, ace!* [12. Б. 1].

2. (noun) an expert. *Lois Lane was the ace reporter for the Daily Planet-although she did have a lot of trouble uncovering Superman's identity!* [13].

3. (adjective) very good, first class. *An ace swimmer* [12. Б. 1].

4.(as exclamation) *Ace! You've done it!* [12. Б. 60].

5.(verb) To do something very well, particularly an examination. *I'm going to ace this exam-I've been all week!* [13] ва ҳ.

Кўриб турганимиздек, инглиз тилида ace сленглексемаси ижобий характерга эга бўлиб, инсон руҳияти эмоционал-экспрессиясини юқори даражада кўрсатиш учун хизмат қилади. Ҳолбуки, бу инглиз тили ўрганувчилари учун мутлақо бегона бўлиб, ўрганувчи унинг асл маъноси билангина чекланади. *Ace* сленги ўрнига *very good, excellent, perfect* лексемалари ишлатилиши мумкин бўлсада, унинг яратилишида сленгга хос бўлган хусусиятлар (экспрессив бўёқдорлик, вақтни тежаш, юморга бойлик ва ҳ.) устунлик қилган ва ушбу сленг унумли шаклланган. Контекстда ушбу сленг ёрқин ифодага ва жонли мулоқотга сабаб бўлади. Бошқа томондан сленгга эътибор қаратсак, унда полисемияни кўриш мумкин. От сўз туркуми сифатида, шахс маъносида улар иккитадан ортиқ маънони ифодалайди: 1. *a best friend or good person* ва 2. *an expert*. Кенгроқ ёндашилса, *ace* лексемаси олдин моносемантик бўлган, кейинчалик лексема маъносида турли-туман силжишлар юз бериб, сўзлашувда сленг кўринишида полисемантик лексемага айланган. *Ace* сленг сифатида фаол ишлатилганлиги учун ушбу сленг-лексема индивидуумнинг фантазиясига кўра сленг таркибида сленг-полисемияга дучор бўлган. Модомики, сленг-лексемада полисемия мавжуд экан, унинг синоним ва антоним шакллари ҳам мавжуд. Бу ҳақда қуйироқда кенгроқ тўхталамиз. Демак, лексема қанчалар ранг-баранг бўлса, контекстда сленглар ҳам шунчалик кўп бўлади ва турли туман сленглар ҳосил бўлишига туртки бўлади. Бундан ташқари инглиз тилшунослари томонидан сленгга берилган турли таърифлар, ушбу атама устида изланишлар ўзига хос эканлиги билан ажралиб туради. Лексикограф Эрик Партридж ўзининг сленгга бағишланган «Бугунги ва ўтган кун учун сленг» («Slang for Today and Yesterday») китобида коммуникантларнинг сленгдан завқ билан фойдаланишлари сабабларини 15 бандда изоҳлаб беради [10. Б. 6 – 7]. Сленг *ace* ушбу сабаб ва мезонлар кесимида олинса, у 15 бандниг деярли барчасини қамраб олганлигига гувоҳ бўламиз:

1) кўтаринки кайфиятда қалбан ёш бўлиш учун ёки ёшлик даврида соҳага дахлдор мулоқотдан завқланиш ва ўйин кулгу қилиш;

2) юмористик хусусият билан зукколик ва ақллиликни кўрсата олиш;

3) ўзгача ва замонавий бўлиш, янгиликни намоён қилиш;

4) ҳамманинг эътиборида, яъни кўзга ташланган ҳолда соҳага хос фикрни образли, мазмундор, ёрқин етказиб бериш;

5) гапга усталикни намоён қилиб атрофдагиларни ўзига жалб қилиш, бу билан ҳатто ҳайратда қолдириш;

6) клишелар (сийқаси чиққан гап, сўзлар)дан қочиш, мулоқотда лўнда ва қисқа бўлиш (адабий терминларга сабрсизлик билан ёндашиш);

7) тилни бойитиш (бундай сленгизмлар кутилмаган вазиятда пайдо бўлмайди, балки бироз мулоҳаза қилинган ҳолда адабий сўзларнинг кучи билан юзага келади);

8) баъзан мавҳум тушунчаларга аниқлик руҳини бериш, конкретлаштириш, асослаш, дунёвий идеалистик ёндашиш;

9) мулоқот жараёнида жиддийликни сусайтириш ёки аксинча нутқда содда ва тушунарли бўлиш; расмий нутқдан йироқ бўлиб, суҳбатдош билан соҳа бўйича эркин мулоқот қилиш;

10) ҳамкасблар, қўл остидаги ёки ундан юқори даражадагилар билан алоқа оҳангини ўрнатиш, баъзида тингловчилар билан ижобий алоқа ўрнатиш ёки масаланинг моҳиятини тушунарли шаклда ифода этиш;

11) баъзан учрашувларда тобора қулай (профессионал ёки дўстона) мулоқотни яратиш;

12) айрим ҳолларда яқин дўстликни, дўстона фикрни вужудга келтириш;

13) ўзининг маълум бир коллективга тегишли эканини ва бир хил ижтимоий-маданий муҳитданлигини кўрсатиш, қисқа қилиб айтганда, ўша гуруҳда алоқа ўрнатиш ёки оқим билан бирга сузиш. Ижтимоий мулоқотни эркинлаштириш;

14) кимнидир ўша оқимда (гуруҳда) эмаслигини кўрсатиш ёки исботлаш;

15) бир гуруҳга тегишли бўлмаган, лекин суҳбат пайтида ҳозир бўлган инсон учун сирли ва тушунарсиз бўлиш; (яъни асосан болалар, талабалар, севишганлар, сиёсий ташкилот аъзолари, қамоқда ёки ундан ташқарида бўлган жиноятчилар, қамоқдаги ёки ундан ташқаридаги жиноий унсурлар учун ва ҳ.) [10. P. 6 – 7].

Инглиз тилида бир қатор сифат кўринишидаги сленглар инсон ёки жисмни тасвирлашга хизмат қилади. Нотиқнинг нутқда моҳирлиги сабаб, инсон кайфиятни (хурсандчилик, хафагарчилик ва ҳ.) ифодаловчи сленглар бир талай. Юқорида берилган *ace* сленг-лексемасининг *A-OK*, awesome, wicked сленг-синонимик шакллари мавжуд бўлиб, булар ҳозирда актуал сленг-лексемалар ҳисобланади. Сленглар мунтазам равишда янгиланиб борган туфайли ундан фойдаланувчи қайси даврда яшаётганини ҳам сезиш мумкин. Мисол тариқасида қуйида *wonderful* сифатининг сленг кўринишида даврий ўзгаришини кўриш мумкин:

pre-war: *top-hole (аъло даражада, ғўзал),* **1940s**: *wizard (ажойиб, қойилмақом),* **1960s**: *fab (ғоят зўр, жуда ажойиб), groovy (аъло даражада),* **1970s**: *ace, cosmic (биринчи даражада, зўр, азим),*

1980s: *brill, wicked, awesome (қойилмақом, аъло, зўр, жуда ажойиб, фантастик),* **2000s**: *terrific, splendiferous (ғоят зўр, жуда соз, ажойиб)* ва ҳ.

Инсон руҳияти ва объектнинг ҳолати, сифати аъло даражада эканини тасвирловчи юқоридаги сленглар, Э.Партридж мезонларининг барча бандларини қамраб олади. Баъзида инсон руҳияти ва объектнинг ҳолати, сифати, даражаси ўзгариб туришини ҳам сленглар акс эттиради. Масалан, буни *gobsmacked* (карахт, ҳайратланган, лол қолган) сленг-лексемаси таркиби мисолида кузатиш мумкин. Ушбу сленг икки мустақил лексемадан ташкил топган бўлиб, унинг яратилиши бирмунча қизиқ. Қуйида лексемаларнинг сленг-лексемага монанд маънолари танлаб олинди:

Асл маъно:***Gob***-noun a person's mouth [14].

Jean told him to shut his big gob // Жин унга овозини ўчиришини айтди.

Smack – verb [with obj] 1) strike (someone or something), typically with the palm of the hand and as a punishment [14].

Jessica smacked his face, quite hard // Джессика унинг юзига қаттиқ урди.

Сленг маъно: ***Gobsmacked*** – adj British astonished, struck dumb, left open-mouthed in amazement. From **gob** [12. Б. 191].

Кенгроқ назар ташласак, gob оғиз ва smack феъли *шапалоқламоқ* ёки *шапалоқ солмоқ,* яъни *ҳайратдан оғзига шапатиламоқ* маъноси остида *gobsmacked* сленг-лексемаси ҳосил бўлган. Ҳолбуки, ушбу сленг ўрнида *surprised, astonished* сифатларини ишлатса бўлади, аммо фойдаланувчи сленг-лексемадан фойдаланишни афзал деб билган ва унинг яратилишига сабаб бўлган:

I find myself altogether gobsmacked this week [14] *//* Мен бутун ҳафта давомида карахт бўлиб юрдим.

Advertisement: *I remember seeing South Pacific for the first time on the screen and being gobsmacked* [15] *// Мен экранда биринчи марта Тинч океанининг жанубини кўрганимда ҳайратда қолганимни ҳали ҳануз эслайман.*

Advertisement: *They were pleasantly gobsmacked by transcendental naughtiness of the Carry On series, which loosed a species of gag that would have made Doris Day jump on a chair and scream* [21] *// Улар «Керри Он» сериалининг чегарадан чиқиб кетган даражада беадаб ҳолатидан ҳайратландилар, унда Дорис Дрей курсига чиқиб сакрагани ва бақиргани ҳазилдан бироз йироқ эди.*

Шуниси маълумки, кўплаб харидорлар рўзнома сотиб олишдан олдин, биринчи навбатда, рўзномада қўлланилган сўз ва ибораларга кўз югуртиради. Ушбу ҳолатда сленглар оммавий ахборот воситаларини оригинал қилиб безаш, хабарни яққол ва жарангдор қилиб кўрсатиш учун самарали хизмат қилади.

Бундан ташқари кўриб турганимиздек, инглиз тилида сленгга доир хилма-хил луғатлар мавжуд бўлиб, тил ўрганувчи сленг моҳиятини сезгач, таржимага юзланиш мақсадида махсус луғатдан фойдалана олиши мумкин ва бу масалага ойдинлик киритишда у қўл келадиган манба ҳисобланади.

Юмористик хусусиятга эга бўлган сленг-лексема турлари тингловчи юзида табассум уйғотиш билан биргаликда, мулоқотни давом эттиришга ундайди, бунда эркин суҳбат ўз самарасини кўрсатади:

She can play a wicked guitar // У жуда зўр гитара чалади

He shakes a wicked calf[12] // У жуда зўр рақсга тушади

Ушбу гапни мулоқотдошга оддий кўринишда етказиш ҳам мумкин, яъни: *She can play a guitar very well.* Бироқ сленг-лексема қўлланган гап ҳиссиётга бойлиги, оригинал ва бетакрорлиги билан ажралиб туради. Зотан, *wicked* лексемаси инглиз умумадабий тилида ёвуз, ахлоқсиз, жиддий бўлмаган каби салбий маъноларни англатса-да, у сленг-лексема кўринишида бунга мутлақо зид бўлган ижобий маъно (*wicked-excellent; wonderful-зўр, аъло, бетакрор*)ни беради. Шу ўринда *wicked* сленг-лексемасига қиёсий-чоғиштирма аспектида қаралса, ўзбек тилида ҳам эҳтиросни баҳоловчи ана шундай сленг-лексемага дуч келиш мумкин.

Юқоридаги биринчи хабарнинг ёшлар сўзлашув нутқидаги талқини ўзгачароқ: У гитарани зўр чалади **–** У гитара чалишни синдиради – У гитара чалишни ёрворади – У гитара чалишни чачворади – У гитара чалишни қийворади.

Ўзбек ёшлари мулоқотида яхши бажармоқ ёки зўр бажармоқ феъллари ўрнини синдирмоқ, ёрвормоқ, чачвормоқ, қийвормоқ сленг-лексемалари билан қопланишидан тингловчига хабарни эҳтиросли етказиб бериш ҳамда уларни фикрга қизиқтириб қўйиш мақсадлари кўзланган. Бу вазиятда ушбу гапларнинг сленг ишлатилган қисмига тингловчининг эътибори жалб қилиниб, оддий гапдан кўра сленгга унинг диққатининг оширилиши ва фойдаланувчи фикрига кучли эътибор қаратилиши шак-шубҳасиз. Синдирмоқ, ёрвормоқ, қийвормоқ ва чачвормоқ сленг-лексемаларида сленг синонимияни кўриш мумкин, бу фойдаланувчи хоҳишига кўра сленг-лексемани эркин равишда алмаштириб ишлатилишини билдиради. Худди шу кўринишни бошқа гапда ҳам қўллаш мумкин: У жуда зўр рақсга тушади – У рақсга тушишни синдиради – У рақсни ёрворади – *У рақсни* чачворади – У рақсга тушишни қийворади.

Бундан англашимиз мумкинки, биринчи гапга нисбатан сленг орқали ифодаланган кейинги хабар бир мунча фаол ва ёрқин ифодали бўлиб, ҳозирги кунда ушбу сленг-лексемаларга ёшлар нутқида эҳтиёж устунлик қилади.

Ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Алвидо, болалик» қиссасида ўша даврда ишлатилган сленглардан кенг фойдаланилган: – Маладессан-да, босс, кетворган боласан. Эртага йигирма бешни бераман. – Қанақа йигирма беш? – Йиғишяпти-ку? Тўйга... сен айтувмидинг? [17. Б. 16.] Ушбу парчадаги *«кетворган»* сленги *«зўр», «ақлли»* маъноларида қўлланиб, хабарни бўрттириб кўрсатиш, эмоционал-экспрессив баҳолаш каби мақсадлар кўзланган. Адиб ўша давр ёшларини тасвирлаш мақсадида сленгга мурожаат қилган. Бунга яна бир мисол: Бунақа гапларга Зоир уста, котириб ташлайди. *Умуман, бахтли бола у* [17. Б. 17]. Бу ерда ёзувчининг контекстга ғоят синчковлик билан назар солиши, ёшлар нутқига жиддий эътиборини сезиш мумкин.*«Қотириб ташлайди»* сленгида гапга чечанлик маъноси ифодаланган. Айни кунда ушбу сленг ўрнини юқоридаги мисолларда кўрсатилган *«ёрвормоқ», «чачвормоқ», «қийвормоқ», «синдирвормоқ»* сленглари қўлланилиб, гапни ёрворади / чачворади / қийворади / синдирворади кўринишда келиши мумкин. Тоҳир Малик контекстда сленгни қўллаган ҳолатда маънони очиқ-ойдин кўрсатмаса-да, китобхон уни нима демоқчилигини тушуна олади, сабаби – контекст суҳбат эркин равишда айнан ёшларга хос услубда кечганини, бу услуб эса ўша замон ёшларининг тилига хос эканлигини кўрсатиб туради.

Ўзбек тилидаги ёшлар мулоқотида учрайдиган қуйидаги бир қатор сленг-лексемаларни таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқ:

Қилич – зўр, сара, кўркам, дутар – ёмон, шакароп – ёмон, яхши эмас*, теппа* – сохта, бетон – мустаҳкам, кучли, қоқвормоқ – ютмоқ, ғалаба қозонмоқ, нервпотолок – невропатолог, челендж – даъват этмоқ, чақирмоқ, шароит – электрон дастур, пишди – тамом бўлди, тепмоқ – тушунмоқ, англаб етмоқ, видос – видео, чиқиб қолмоқ – гапини топа олмаслик, гапира олмаслик, тормоз – тўхтаб қолмоқ, гапини топа олмаслик, карантинлашмоқ – суҳбатлашмоқ, гаплашмоқ, чики – чики зўр, ажойиб ва ҳ.

Қуйида ёшлар сўзлашув нутқида фаол бўлган қилич сленг-лексемасининг қўлланишини таҳлилга тортамиз.

«Ўзбек тили изоҳли луғати»да кўрсатилишича, қилич сўзи қуйидаги маъно тусларига эга:

Қилич 1. Бир тиғли, ғилоф (қин) билан ёнга осиладиган, чопиш, санчиш билан ёвга шикаст еткизиладиган қурол. **2. Қилич** (эркаклар исми) [18. Б. 290].

Қилич лексемаси сленг сифатида қуйидагича қўлланилади: Сўзлашувда: Мана бу ерда гулларнинг қиличлари бор экан. Кел, танлаб оламиз.

Сленг сифатида қўлланилган қилич лексемаси зўр, сара, чиройли маъноларида қўлланилмоқда. Сленгдан фойдаланувчи онгли равишда зукколик билан, ёшларга хос усул билан унинг хусусиятидан самарали фойдаланган. Экспрессив бўёқдор хусусият ҳам бундан мустасно эмас. Суҳбатдошни ўзига жалб қилиш ва уни саъй-ҳаракатга чақириш мақсадида ушбу сленг қўлланган. Бундан ташқари ушбу сленг нафақат нарсага нисбатан балки шахсга нисбатан ҳам қўлланилади: Сўзлашувда: Аканг қилич-у, а? Нега сен ундай эмассан? (Ёшлар сўзлашув нутқидан)

Сленг сифатида қўлланилган қилич лексемаси инсонни тасвирлашда, асосан, эркакларга нисбатан (асл маънодаги қилич эркак фойдалана оладиган жисм бўлгани учун бўлса керак), кўркам, бақувват каби маъноларда қўлланилмоқда. И.В.Арнольд аксарият тадқиқотчиларнинг «сленг адабий тил нормаларига тўғри келмайди» деган фикрига қўшилмаслигини таъкидлаган. Унинг фикрича, сленглар худди неологизмлар каби тилда сермаҳсул сўз яратиш усулларидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади. Сленг ва бошқа сўз бирикмалари ўртасида ўтиш мумкин бўлмаган чегаралар йўқ, аксинча, сленглар умумадабий луғат таркибидаги сўзлар ва иборалар сифатида ёки улардан янги ҳосил бўлган шакллар сифатида қайта кўриб чиқилади, сўнгра адабий тилга ўзларининг янги маънолари бирга қайтади [19. Б. 287]. Биз бу фикрга қўшиламиз, чунки аксарият соҳаларда ўзига хос сленг-сўзлар ва иборалар мавжуд.

Демак, бундан кўриниб турибдики, ўзбек тилида ҳам сленг-лексема таҳлили бир мунча қизиқ. Шу билан бирга сленгда полисемия, синонимия, антонимия, омонимияни ҳам кўриш мумкин. Ушбу қизиқарли, катта мавзу алоҳида тадқиқ этишни тақозо этади, бу ўринда ана шу заруратни қайд этиш билангина чегараланамиз. Бу масала тадқиқотчидан улкан синчковликни талаб этади. Шунингдек, инглиз тили каби ўзбек сленгларида ҳам шакл ва маъноларига кўра синонимик, омонимик, антонимик хусусиятлари барқарор: чиқиб қолмоқ (гапини топа олмаслик, гапира олмаслик) – тормоз бўлмоқ (тўхтаб қолмоқ, гапини топа олмаслик).

Сўзлашувда:

Чиқиб қолдингми?Гапир!?

*Бугун чарчадим шекилли,*чиқяпман.

Тормоз, гапир! Замыкание!

Тормоз бўляпман (Ёшлар сўзлашув нутқидан).

Юқоридаги сленглар ёшлар орасида ҳазил-киноя тарзида, суҳбатдош юзида табассум уйғотиш мақсадида қўлланилади. Ҳақиқий ҳаётдаги суҳбатлар доимо расмий оғзаки алоқаларни ўз ичи-

га олмайди. Сленгни ишлатишни ўрганиш нутқни уйғунлаштириш назариясини ташкил этувчи конвергенцияга – «суҳбатдошларнинг нутқига мослашиш»га [20. Б. 307], келишмовчиликни бартараф этиш ва интизомни сақлашга ёрдам беради. Бошқача айтганда, сленг нутқ жараёнида инсонлар бир-бирларининг феъл-атворини тушуна олишига имкон беради [21. Б. 6 – 9]. Бунда албатта прагматиканинг роли катта. Прагматикада нутқий фаолият инсоний фаолиятнинг қолган ўнлаб қирралари билан боғлиқликда ўрганилади. Нутқ жараёни (коммуникация, сўзлашув ҳодисаси – дискурс)га тизим сифатида ёндашиш прагматиканинг асосий тадқиқ манбаи ва усулидир, қолган барча фанлар (тилшунослик, адабиётшунослик, социология, психология, этика-эстетика ва б.) бу тизимнинг алоҳида-алоҳида олинган таркибий қисмлари бўлган элементларни шу тизимдан ажратиб, ушбу ажратиб олинган нарсани (элементни) ўхшашлик (бир хил мавқеда қўллай олиш) тамойили асосида парадигмаларга бирлаштириб таҳлил қилади [22. Б. 12].

Лексик-семантик майдон жуда ҳам катта тушунча бўлиб, унда сўзлар ва тушунчаларнинг ўзаро синонимик, антонимик, омонимик ҳамда полисемик боғлиқликлари ҳам тушунилади. Бундан шуни англаш мумкинки, сленг-лексема тизимида ҳам синонимия, антонимия, полисемия ва омонимия мавжуд. Сленг турли йўллар билан ўз янгилигини кўрсатиб беради ҳамда инсонларнинг замон ва мода билан ҳамнафас эканлигини намоён қилади. Бундан ташқари, сленг контекстда зерикарли муҳитнинг олдини олишда, стилистик нейтралликни йўқотиш мақсадида ва монотон оҳангни бартараф этишда ишлатилади. Сленг орқали шахснинг қайси даврда яшаганлигини ҳам аниқлаш мумкин, чунки сленг замон билан ҳамнафас бўлиб, ўзгариб туради [9. P. 18].

Хулоса қилиб айтганда, сўзлашув тизимида сленгнинг яратилиши ўзига хос бўлиб, унинг сленг-лексема тури жуда кенг қамровли ва хилма-хилдир. Инглиз ва ўзбек тилларида сленгнинг ушбу кўринишини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу орқали тилда янги пайдо бўлаётган қатламларнинг илмий-амалий таҳлили янги босқичга кўтарилади.

Адабиётлар:

1. *Расулов Р.* Умумий тилшунослик. – Тошкент: Фан ва технология, 2010. – 327 б.
2. *Гальперин И.Р.* Стилистика. – Москва: Высшая школа, 1971. – 342 с.
3. *Fowler H.W.* Modern English Usage. USA: Oxford University Press, 1958. – 869 p.
4. *Бушуй Т.А.* Социально обусловленные сферы языковой коммуникации // Замонавий тилшунослик ва деривацион қонуниятлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2018. – Б. 78 – 79.
5. Электрон луғат: Merriam -Webster Dictionary, USA: Fogware Publishing Windows, (21.04.2020).5.0.3. URL: https://merriam-webster.en.uptodown.com/android. (Мурожаат этилган сана: 13.07.2020)
6. *Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М.* Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан ва технология, 2009. – 414 б.
7. *Хомяков В.А*. Введение в изучение сленга – основного английского просторечия. Вологда: Вологодский государственный педагогический университет, 1971. – 102 с.
8. *Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш.* Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 398 б.
9. *Matiello E.* An Introduction to English Slang. A Description of its Morphology. Semantics and Sociology. – Italy: Polimetrica International Scientific Publisher Monza, 2008. – 324 p.
10. *Partridge E.* Slang Today and Yesterday. – London: Routledge & Kegan Paul LTD, 1954. – 476 p.
11. Macmillan English Dictionary for Advanced Learners, New Edition. – London: Macmillan Publishers Limited, 2007. – 1748 p.
12. *Thorne T.* Dictionary of Contemporary slang. – Third Edition. London: A&C Black. 2005. – 494 p.
13. Электрон луғат: Wow! American English Slang! Most common American Slangs.1.0.7.v. (2018). URL: http://m/apkpure.com/wow-amercan-english-slang/com. gwthao.slang. (Мурожаат этилган сана: 28.06.2020)
14. Электрон луғат: ABBYY Lingvo x5 English-English.(2011). URL: http:// softpick2/com/188-abbyy-lingvo-x5.html (Мурожаат этилган сана: 28.06.2020)
15. *Ebworth S.B.* Independent. URL: https:www.independent.co.uk/arts-entertainment/theater-dance/features/how-i-put-a-new-spin-on-a-movie-classic-2315356.html (Мурожаат этилган сана: 21.06.2020)
16. *Matthew S.G*. (2011) URL: https://www.theguardian.Comfilm /2011 / jul / 21/ ealing-british-postwar-cinema. (Мурожаат этилган сана: 21.06.2020)
17. *Малик Т.* Алвидо... болалик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 504 б.
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Беш жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 591 б.

19. *Арнольд В.И.* Лексикология современного английского языка. – Москва: Флинта, 2012. – 376 с.
20. *Meyerhoff M.* Introducing sociolinguistics. 2nd ed. – London, UK:Routledge, 2011. – 320 p.
21. *Elsherif E., Nsir N.* Slang to English Language Learners // Ohio TESOL journal, 2015. – Vol. 7. – № 3. – Pp. 6 – 9.
22. Сафаров Ш. Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007.– 23 б.
23. *Dalzell.T., Victor.T.* The New Partridge Dictionary of Slang and Unconventional English. – New York: Routledge, 2015. – 864 p.
24. *Ҳакимов М.* Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 172 б.
25. *Hotten J.C.* A Dictionary of Modern Slang, Cant, Vulgar words, Used at the Present Day in the streets of London. – London: Picadilly, 1859. – 305 p.
26. *Dillard J.L.* Black English: Its History and Usage in the United States. –New York: Vintage books, 1972. – 361 p.

SLANG-LEXEME AND ITS SEMANTIC ANALYSIS IN UZBEK AND ENGLISH

D.N.Satimova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 130 – 137.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129(Uzbekistan).E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *slang, slang-lexeme, pragmatic approach, idiolect, semantic analysis, slang-polysemy, sociolect, lexico-semantic field.*

The language is constantly developing, evolving, smoothing out, and words inevitably move from one medium to another, and then begin to dominate independently and completely. It should be noted that as a result of the sharp increase in foreign language learning over the last 10 years, a peculiar pragmatic approach has been observed in the speech of young people, and there is a need to study such words and phrases. The article deals with the views of linguists on this issue, reveals the slang-lexeme and its semantic analysis in Uzbek and English. The specific features of the Youth slang lexeme have also been analyzed using relevant examples. The article also highlights a number of active slang-lexemes in English and Uzbek, and identifies the reasons for their creation. The slang research is completely new in the Uzbek language, therefore this issue is analyzed comparatively and a number of examples are given in the main part of the article. The lexical-semantic field is a very large concept in which synonyms, antonyms and polysemic relations of words and concepts are understood. Due to this it is clear that the slang lexeme also covers synonymy, antonyms, polysemy. Slang demonstrates its novelty in a variety of ways. It shows that people are tune with modernity and fashion. Furthermore, it is used to prevent boring situations in the context to eliminate stylistic neutrality and monotonous tone. Alternatively, slang can determine in what period a person lived. In view of the fact that slang changes over time, therefore the field of synonymy is widely found in English. In this article we proposed our own modest criteria for slang in accordance with the criteria of the foreign linguist Eric Partridge.

Taking everything into account, the creation of slang is unique in speech system, and its slang-lexeme appearance is very comprehensive and diverse. In this regard, each of its formations needs a separate analysis. This form of slang in English and Uzbek is interesting to study, and the work of slang scholars of world linguistics is a vivid sample of this. It is known that the terms slang, jargon and argot are very common in European and American linguistics, and in most languages they are interpreted in the same sense. Although these three terms are genetically related, we have learned that in modern Uzbek linguistics there are features that distinguish from each other.

Pushing off from the above said, it is noteworthy to state that further research on youth slang under discussion needs to be carried out on the basis of comparative and contrastive analysis, for without taking into account the peculiarities of the communicative structure of the languages under comparison, it is not possible to make well-grounded conclusions about slang.

References:

1. Rasulov, R. (2010) *Umumiy tilshunoslik* [General linguistics]. Tashkent: Fan va texnologiya.
2. Galperin,I.R. (1971*) Stilistika* [Stylistics]. Moscow: Vysshaya shkola.
3. Fowler H.W.(1958) *Modern English Usage*. USA: Oxford University Press.
4. Bushuy, T.A. (2018) Sotsialno obuslovlenniye sferi yazikovoy kommunikatsii [Socially conditioned spheres of language communication]. Zamonaviy tilshunoslik va derivasion qonuniyatlar [Modern linguistics and derivation laws]. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari [Materials of the Republican scientific-practical conference]. Samarkand: SamDChTI, May 25th. Pp. 78-79.
5. Electronic Dictionary: Merriam Webster Dictionary, USA: Fogware Publishing Windows, (21.04.2020) 5.0.3. [Online]. URL: https://merriam-webster.en.uptodown. com/android. (Date of access: 13.07.2020)
6. Sayfullayeva, R. (ed.) (2009) *Hozirgi o‘zbek adabiy tili* [Modern Uzbek literary language]. Tashkent: Fan va texnologiya.
7. Xomyakov, V.A.(1971) *Vvedenie v izuchenie slenga – osnovnogo anglijskogo prostorechiya* [An introduction to the study of slang – the basic English vernacular]. Vologda: Vologodskij gosudarstvennyj pedagogicheskij universitet.
8. Tursunov, U., Muxtorov, A., Rahmatullaev, Sh.(1992) *Hozirgi o‘zbek adabiy tili* [Modern Uzbek literary language]. Tashkent: O‘zbekiston.
9. Matiello, E. (2008) An Introduction to English Slang. A Description of its Morphology. Semantics and Sociology. Italy: Polimetrica International Scientific Publisher Monza.
10. Partridge, E. (1954) *Slang Today and Yesterday*. London: Routledge&Kegan Paul LTD.
11. Macmillan English Dictionary for Advanced Learners. (2007). New Edition. London: Macmillan Publishers Limited.
12. Thorne, T.(2005) Dictionary of Contemporary slang.Third Edition. London: A&C Black.
13. Electronic Dictionary: (2018) Wow! American English Slang! Most common American Slangs.1.0.7.v. [Online]. URL: http://m/apkpure.com/wow-amercan-english-slang/com. gwthao. slang. (Date of access: 28.06.2020)
14. Electronic Dictionary: (2011) ABBYY Lingvo x5 English-English.[Online]. URL: http://softpick2/ com/188-abbyy-lingvo-x5.html (Date of access: 28.06.2020)
15. Ebworth, S.B. Independent. [Online]. URL: Available from:https:www.independent.co.uk/ arts-entertainment/ theater-dance/features/how-i-put-a-new-spin-on-a-movie-classic-2315356.html (Date of access: 21.06.2020)
16. Matthew, S. (2011) Guardian [Online]. URL: https://www.theguardian.comfilm/2011/ jul/21/ealing-british-postwar-cinema. (Date of Access: 21.06.2020.)
17. Malik, T.(2019) *Alvido … bolalik* [Adieu childhood].Tashkent: Yangi asr avlodi.
18. Madvaliyev, A. (ed.) (2008) *O‘zbek tilining izohli lug‘ati* [Explanatory dictionary of the Uzbek language]. In 5 volumes. 5-volumes. *Tashkent:* O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.
19. Arnold, V.I. (2012) *Lexsikologiya sovremennogo anglijskogo yazyka* [Lexicology of modern English]. Moscow: Flinta.
20. Meyerhoff, M. (2011) *Introducing sociolinguistics*. 2nd ed.London: UK: Routledge.
21. Elsherif, E., Nsir, N.(2015) Slang to English Language Learners. *Ohio TESOL journal*. Vol.7. No 3. Pp.6-9.
22. Safarov, Sh., Toirova, G. (2007) *Nutqning etnosorsiopragmatik tahlili asoslari* [Fundamentals of ethnosociopragmatic analysis of speech].Textbook. Samarkand: SamDChTI.
23. *Dalzell, T., Victor, T.* (2015) *The New Partridge Dictionary of Slang and Unconventional English.* New York: Routledge.
24. Hakimov, M.(2013) *O‘zbek pragmalingvistikasi asoslari* [Fundamentals of Uzbek pragmalinguistics]. Tashkent: Akademnashr.
25. Hotten, J.C. (1859) *A Dictionary of Modern Slang, Cant, Vulgar words, Used at the Present Day in the streets of London*. London: Picadilly.
26. Dillard, J.L. (1972) *Black English: Its History and Usage in the United States*. New York: Vintage books.

Муаллиф ҳақида маълумот:

САТИМОВА Дилафруз Нумонжоновна – Андижон давлат университети инглиз тили грамматикаси кафедраси ўқитувчиси. E-mail: mrs.secret96@mail.ru